



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

SPORTDA VA YOSH AVLOD JISMONIY TARBIYASIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

Respublika ilmiy retsenziyalangan
onlayn-konferensiya

MATERIALLARI



29-sentabr 2021-yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**СПОРТДА ВА ЁШ АВЛОД ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СПОРТЕ И ФИЗИЧЕСКОМ
ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORT AND PHYSICAL
EDUCATION OF YOUNG GENERATION**

**Республика илмий рецензияланган онлайн-конференция
2021 йил 29 сентябрь**

Бухоро - 2021

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ
ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ КОМПИТЕНЦИЯЛАРИ.**

10.53885/edinres.2021.39.24.078

Арслонов Қахрамон Полвонович

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

Музафарова Феруза Бахридиновна

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

**КОМПЕТЕНЦИИ УЧИТЕЛЯ ФИЗКУЛЬТУРЫ В ПРИМЕНЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ
ПОДХОДОВ И ИННОВАЦИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ.**

Арсланов Кахрамон Палванович

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

Музафарова Феруза Бахридиновна

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

**THE COMPETENCE OF A PHYSICAL EDUCATION TEACHER IN THE APPLICATION OF
MODERN APPROACHES AND INNOVATIONS IN THE EDUCATIONAL PROCESS.**

Arslanov Kakhramon Palvanovich

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Muzafarova Feruza Bakhridinovna

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Аннотация: Бугунги кунда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида фаолият юритиб келаётган жисмоний тарбия педагогларининг инновацион фаолитдан унумли фойдаланиш зарурати ва унинг истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, инновацион фаолият, интерфаол методлар, ноананавий таълим, ананавий таълим, Замонавий ўқитиш технологиялари, замонавий таълим, модернизация, бошқарувчанлик, самарадорлик, тизимлилик, илмий асос, технологик схема

Аннотация: В настоящее время в учебном процессе широко используются современные методы обучения. Использование современных методов обучения приводит к высокой эффективности учебного процесса. При выборе методики обучения целесообразно выбирать исходя из дидактической функции каждого урока. В статье обсуждается необходимость эффективного использования инновационной деятельности и перспективы учителей физического воспитания, работающих в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: непрерывное образование, инновационная деятельность, интерактивные методы, нетрадиционное образование, традиционное образование, современные технологии обучения, современное образование, модернизация, управление, эффективность, систематизация, научная база, технологическая схема.

Abstract: Currently, modern teaching methods are widely used in the educational process. The use of modern teaching methods leads to a high efficiency of the educational

process. When choosing a teaching methodology, it is advisable to choose based on the didactic function of each lesson. The article discusses the need for effective use of innovative activities and the prospects for physical education teachers working in the system of lifelong education.

Key words: lifelong education, innovation, interactive methods, non-traditional education, traditional education, modern teaching technologies, modern education, modernization, management, efficiency, systematization, scientific base, technological scheme.

Жаҳон таълим тизимида янги инновацион педагогик технологиялар ва замонавий ёндашувлар асосида таълим субъектларида ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш, юқори даражада ижтимоийлаштириш, билимнинг мустақкам пойдеворини яратиш, умуммаданий, шахсий, касбий компетенцияларни ривожлантириш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш мақсадида интеллектуал, ҳар томонлама комил, малакали кадрларни етқазиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бутун жаҳон олимлари томонидан жисмоний салоҳият, яратувчанлик қобилияти, билим, кўникма, маҳорат, ҳаракатчанлик каби инсон капиталини бойитиш мақсадида узлуксиз таълим тизимини, шу билан бирга жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини замонавий ёндашув ҳамда инновациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ўқувчиларда фанга доир билим, кўникма, малакаларнинг жадал ривожланиши эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Мустақил ўйлай оладиган тафаккур юритиб тўғри маъқул ва мақбул иш тута оладиган ватанпарвар шахсларни шакиллантириш ва тарбиялаш керак” [2] лигига алоҳида эътибор қаратиб, шунга кўра ислохотлар амалда. Айниқса, мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари таълим тизимини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган. Шу ўринда Республикаимизда таълим тизимини миллий кадриятлар ва жаҳон таълим андозаларига мос ҳолда ташкил этиш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун олдидан қўйилган вазифаларни амалга оширишда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш давр талабига айланиб бормоқда. Шундай экан замонавий ўқитиш технологиялари, инновацион фаолият тушунчаларига тўхталиб, улардан махсус таълим, яъни жисмоний тарбия машғулотларида қўлланилишини кўриб чиқсак.

Замонавий ўқитиш технологиялари - мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади.

Замонавий таълимнинг энг муҳим таркибий элементлари қадимдан шаклланиб, таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб, айнан шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки

ихтисослик бўйича ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради. Замонавий жисмоний тарбия ўқитувчиси дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаб, бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак. Ёш авлодни замонавий фан-техниканинг, умуман, илм-фаннинг ютуқлари орқали таълим-тарбия бермасдан, уларни ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига замин ярата олмаймиз.

Авваламбор янги инновацион педагогик фаолиятни тушуниш учун, “Педагогик технология” тушунчасини кўриб чиқишимиз лозим. Педагогика - бу лотинча сўздан олинган бўлиб, “пайне” - бола, “агогейн” – етакламоқ деган маънони билдиради. Педагогик технология бу - олдиндан лойҳаланган маълум бир педагогик тизимни амлиётга жорий қилиш. Педагогик тизим бу шахсга мақсадли педагогик таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган методлар, воситалар ва жараёнлар йиғиндиси. Мақсадимиз жисмоний тарбия машғулотларида ўқувчиларни олдиндан билимини мукаммаллаштириб уни самарали ва сифатли билимга эга бўлишини таъминлаш [3]. Таълим тизимининг модернизацияси – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши.

Мазкур модернизация шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла қамраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади [6].

Юқоридаги таърифларда педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқув жараёнига тизимли ёндашишдан иборат эканлиги яққол кўзга ташланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, педагогик технологиянинг энг қадимги манбаи бу - нуқсонсиз меҳнат концепцияси экан. Нуқсонсиз меҳнатни таъминловчи шартлардан бири меҳнат қилаётган субектнинг психологик шахсий характеристикаларини ҳисобга олишдир. Бундай меҳнатнинг энг муҳим омиллари қуйидагилар:

- касбга қизиқиш;
- касбий тайёргарлик сифати;
- ўз меҳнاتини мунтазам назорат қилиб бориш [5].

Илмий-педагогик адабиётларда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш тажрибаси қатор олимлар томонидан умумлаштирилган.

Таълимдаги инновацион жараёнларнинг тадқиқ этишда инновациялар ва ўқитувчининг ижодий фаолиятига тегишли (янгиликни баҳолаш меъзонлари, анъаналар ва инновациялар, иновацион цикл хусусиятлари, ўқитувчининг инновацияларга бўлган муносабати ва ҳ.к.) назарий-методологик характердаги бир қатор муаммолар илгари сурилмоқда. Кўпинча олимлар ўз тадқиқотларида ўқитувчи (педагог)ларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг маълум бир аспекти билан шуғулланганлар:

Масалан:

- Таълим соҳасидаги янгиликларни татбиқ этиш муаммолари;
- Ўқитувчи (педагог)нинг инновацион фаолиятидаги тадқиқот компонентларининг ўрни;
- Ўқитувчининг инновацион фаолиятидаги ижтимоий-маданий муаммоларни, оммавий ва шахсий маданиятнинг бир-бирига ўтишини, индивидуал ва жамоа уйғунлигини ёритиб бериши;

- ўқитувчининг киритилган янгиликларга бўлган муносабатларининг асосий мотивларини, ўқув жараёнида педагогнинг янги технологияларни фойдаланиш тайёргарлиги ва мотивацион муаммолари;

- Ўқитувчининг инновацион фаолияти ва рефлексия ўртасидаги ўзаро алоқалари;

- Таълим тизимида педагогик инновацияларни тадбиқ этишнинг психологик муаммолари;

- Педагогик инновацияларнинг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонларининг назарий-методологик асослари.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш;
- янги ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятда педагог илғор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим. Инновацион фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади. Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга [4].

Педагогик технологиянинг методологик сифатлари қуйидагилардан иборат: технологик схема, илмий асос, тизимлилик, бошқарувчанлик, самарадорлик, такрорланувчанлик.

Технологик схема- технологик жараённинг шартли ифодаланиши. У алоҳида функционал элементларга бўлинади ва улар орасидаги мантикий алоқалар белгиланади.

Илмий асос - ҳар бир педагогик технология бирорта илмий таълимотга таяниши керак. Илмий таълимот бу - таълимий мақсадларга эришишининг илмий жиҳатдан асосланишидир.

Тизимлилик - педагогик технология тизимга хос бўлган барча белгиларга эга бўлиши керак:

- жараённинг мантиғи;
- унинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлиги;
- яхлитлиги;

Бошқарувчанлик - дейилганда қуйидагилар назарда тутилади:

- мақсадларни қўйиш;
- режалаштириш;
- ўқитиш жараёнини лойихалаш;
- қадамба-қадам ташҳис қўйиш;
- натижага тузатиш киритиш мақсадида восита ва методларни ўзгартириш.

Самарадорлик - замонавий педагогик технологиялар аниқ шароитларда мавжуд бўлади ва маълум ўқитиш стандартларига эришишини кафолатлайди, натижа бўйича самарадор, харажатлар бўйича оптимал бўлади.

Такрорланувчанлик - педагогик технологияни бошқа субъектлар бошқа таълим муассасаларида қўллаши мумкинлиги (натижа эса бир хил бўлади) [5].

Ҳақиқатан ҳам, агар ўқув жараёни тўла такрорланувчан, алоҳида кўринишларга бўлинса, ўқитувчининг вазифаси олдиндан тузилган (ўзи тузган бўлиши шарт эмас) материал билан ўқишни ташкил этишда ташкилотчи ва маслаҳатчи ролини ижро этишдан иборат бўлиб қолади.

Замонавий жисмоний тарбия ўқитувчи шахсида намоён бўлиши зарур бўлган сифатларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

- 1) касбий сифатлар;
- 2) ташкилотчилик сифатлари;

- 3) мулоқотга киришувчанлик сифатлари;
- 4) ўқувчилар жамоасига раҳбарлик сифатлари;
- 5) бошқарувчилик сифатлари;
- 6) иш юрита олиш сифатлари;
- 7) ижодий фаолиятни ташкил эта олиш сифатлари;
- 8) воқеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари;
- 9) тадқиқотчилик сифатлари.

Шундай экан, ўз олдимизга таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанига содиқ, инсонларни таълим соҳасининг рақобатбардош етакчи мутахассиси этиб тарбиялаш каби вазифалар қўйилган экан, замон билан ҳамнафас таълим тизимини ўзгартиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар ўз устида тинимсиз ишлаши, замонавий ўқитувчи тимсолида янги инновацион педагогик технологияларни мутахассислиги доирасида қўллаш олиши, уларни яратиши, олдимизга қўйилган вазифаларни бирма-бир ечилишига замин яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
5. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
6. Модернизация образования // [http:// www. gov. karelia.ru/ Leader/ Gossovet/ d14.html](http://www.gov.karelia.ru/Leader/Gossovet/d14.html).